



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Нугоҳ



Янги Ўзбекистон дипломатияси: ЖАДАЛ ВА САМАРАЛИ ҚАДАМЛАР

2024 йил:

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатига бир назар

Ўтган йил жонажон Ватанимиз учун ниҳоятда баракали бўлди. Юртимиз ҳаётида юз бераётган бекиёс ва шиддатли ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз кийёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, 2024 йил ҳар томонлама самарали, ҳосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бунда ўзига яраша бир ҳаётий ҳақиқат мужассам, деб ҳисоблайман; бу халқимиз шууридан чуқур жой олган Янги Ўзбекистон ғояси ҳар биримизни улғу мақсадлар сари руҳлантиргани, умуммиллий ҳаракатга айланганидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Узоқ ўтмишдан ҳозирги давргача миллий тафаккуримиз негизда шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчасида жамулжам бўлмоқда”.

“Янги Ўзбекистон” ғояси замирида миллий давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона муносабатларни тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш тамойиллари мужассамдир. Яъни Янги Ўзбекистон мазкур стратегик принципларга содиқ қолиб, ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини доим тўлиқ бажариб келмоқда.

Янги Ўзбекистон ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни теран таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили ҳам юртимизнинг дунёда рақобатбардош давлат ва ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори янада юксалгани ва айниқса, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик конструктив ташаббусларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан яқдил қўллаб-қувватланганига амин бўламиз.

Буни мен шахсан миллатимиз сардори – Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эзгу ғоя ва ташаббусларнинг ҳаётбахш самараси, деб биламан.

Сўзимнинг тасдиғи сифатида янги – 2025 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига энг илғор хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат ва дин арбобларидан самимий табрик ва тилаклар келганини

мисол келтиришни лозим, деб топдим.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ўз кутловларида Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва раванқ тилаб, самимий тилакларини изҳор этдилар.

Улар Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва тараққиёт суръати жадал тус олаётгани, халқ учун муносиб ҳаёт шароити яратилаётганини юксак баҳолаши ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевни жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби, деб эътироф этиши бежиз эмас.

Бундан саккиз йил муқаддам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган очик, прагматик, конструктив, фаол ва тинчликсевар ташқи сиёсат 2024 йилда ҳам ўзининг самарали натижасини берди, деб тўлиқ ишонч билан айта оламиз.

Шу маънода, якунига етган йилда Янги Ўзбекистон олиб борган фаол

ташқи сиёсат сарҳисобини холис таҳлил қилар эканмиз, шубҳасиз, глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бераётган ва янги синов ҳамда таҳдидлар шароитида Янги Ўзбекистон дипломатиясининг мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий қудратини янада юксалтириш, миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган ютуқларига гувоҳ бўламиз.

Бунда, сўзсиз, Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат фаолият доктринасининг бош муаллифи – бутун умрини халққа фидокорона хизмат қилишга бағишлаган мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг азму шижоати, метин иродаси, энг муҳими, халқимизнинг ёрқин келажакига бўлган комил ишончи ўз инъикосини топган.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

Қонун ва ижро



ТОҚАТ ҚИЛИБ БЎЛМАС ҚИЛМИШ

Бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.



(Давоми 4-саҳифада)

Янги Ўзбекистон дипломатияси: ЖАДАЛ ВА САМАРАЛИ ҚАДАМЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Миллатимиз сардори олиб бораётган ташқи сиёсатнинг туб фалсафий мақсади – ҳар қандай вазиятда халқнинг олий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бинобарин, муҳтарам Президентимиз: “Менинг энг катта мақсадим – халқимни рози қилиш, бахтли кўриш”, – деб таъкидлаши замирида теран маъно бор, албатта.

Шу сатрларни ёза туриб, ёдимга, беихтиёр, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг идеал давлатни “фалсафий ҳукмдор” бошқариши кераклигини таъкидлаб, “Ҳукмдор зоҳиран халқ билан, ботинан ҳақ билан бўлиши лозим”, деган сўзлари келди. Мутафаккир аллома Мир Алишер Навоий ҳам ўзининг беназир асарларида инсон ва унинг тақдири, халқ ва унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қиладиган ҳукмдорни улуғлаб келгани айтиш ҳақиқатдир.

Шу жиҳатдан, Шавкат Мирзиёев, қайси халқро анжуманларда иштирок этмасин, қайси давлатлар ва халқро ташкилотлар раҳбарлари билан мулоқот қилмасин, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи, глобал даражада фикрловчи давлат арбоби, халқро даражадаги ўта мураккаб масалаларни ижобий ҳал этиш борасидаги илғор ташаббуслари ва айниқса, серғайрат экани ва қолаверса, самимий инсон сифатидаги эзгу хислатлари билан барча суҳбатдошини ҳайратда қолдира олади.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этайлик. Масалан, ўтган 2024 йил давомида Президент Шавкат Мирзиёев 17 та халқро ташрифни амалга оширди, хорижий ташрифлар доирасида 100 дан ортиқ учрашув ва музокаралар ўтказди.

Президент 2024 йилда 140 дан ортиқ халқро тадбирларда иштирок этди. 264 тадан ортиқ икки ва кўп томонлама халқро шартнома ҳамда ҳужжатлар имзоланди. Икки ва кўп томонлама халқро тадбирлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар 2000 дан ортиқ, инвестиция лойиҳалари ва савдо битимлари қиймати қарийб 120 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Шавкат Мирзиёев феноменига Режеп Таййип Эрдоган – Туркия Республикаси Президенти шундай таъриф берганди: “Қадрли қардошим, Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал сиёсатдаги аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Бу бизга чексиз қувонч бағишлайди. Ўзбекистон давлати раҳбарини

самимий дўст ва ҳар томонлама стратегик ҳамкор деб биламан”.

Янги Марказий Осиё: минтақавий ҳамкорликнинг самарали модели

Бугун Янги Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан унумли ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш давлатимиз ташқи сиёсатининг эътибор марказидадир.

Чет эллик таниқли экспертларнинг эътирофи этишича, сўнгги йилларда Марказий Осиё – том маънода хавфсизлик, изчиллик ва барқарор ривожланиш минтақасига айланиб, халқро ҳамкорлар учун унинг жозибадорлиги тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, муҳтарам Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига киришиши биланоқ Марказий Осиёни ташқи сиёсатимизнинг энг устувор йўналиши деб белгилади. Шу асосда кўшниларимиз билан дўстона муносабатлар тубдан яхшиланди.

Президентнинг Янги Марказий Осиё ҳақидаги орзуси бугун реал ҳақиқатга айланмоқда. Минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик марказларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Бугунги ноёб тарихий имкониятлар асосида Марказий Осиё ўзаро манфаатли ҳамкорлик, хавфсиз ва барқарор тараққиёт маконига айланмоқда. Шу жиҳатдан, ўтган йилда давлатимиз раҳбарининг кўшни давлатларга 7 маротаба ташриф буюргани ҳам бежиз эмас.

Масалан, ўтган 2024 йилнинг август ойида Президент Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлди. Ўзбекистон раҳбари биргаликдаги тизимли ва амалий саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини иттифоқчилик муносабатларидек энг олий босқичга олиб чиқишга эришилганини барча хорижий сиёсатчилар юқори баҳолади.

Музокаралар чоғида, биринчи-

дан, парламентларнинг икки палатаси иштирокида Парламентларо форум ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Иккинчидан, ҳамкорликнинг яна бир янги замонавий шакли – Ташқи ишлар вазирлари кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Учинчидан, ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди.

Энг муҳими, авваллари давлатлараро муносабатлар ривожига тўғанок бўлиб турган трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида яқин ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувиде иштирок этди. Сўнгги йилларда анъанага айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларидаги самимий мулоқотлар, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, амалга оширилган кўп томонлама лойиҳалар минтақа кифасини тубдан ўзгартирди.

Ўзаро савдо, инвестиция, юк ташиниш, фуқароларнинг ташрифлари ҳажми бир неча баробар кўпайди. Хорижий шериклар томонидан амалий кизиқиш ортди. “Марказий Осиё плюс” форматидаги турли учрашувлар шундан далолат беради.

Мазкур учрашувларда давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Биринчидан. Иқтисодий кенгаш учрашувларини мунтазам йўлга қўйиш.

Иккинчидан. Саноат кооперациясини ўзаро қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. Шунингдек, Марказий Осиё инвестиция кенгашини таъсис этиш.

Учинчидан. Инновацион ривожланиш банкни ташкил этиш, кўшма инвестиция форумларини мунтазам ўтказиб бориш.

Тўртинчидан. Транспорт ва транзит тўғрисидаги битимни қабул қилиш, транспорт вазирликлари, ташувчилар ва экспедиторлар, логистика компаниялари ва мутахассислар иштирокида Экспертлик

конференциясини ўтказиш.

Бешинчидан. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр ишлаб чиқаришнинг инновацион усуллари, сув тежовчи технологияларни жорий этиш каби қатор ташаббусларни билдирди.

Давлатимиз раҳбари глобал даражадаги анжуманларда нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиздаги давлатлар манфаатларини илгари суриб келмоқда. Масалан, Шавкат Мирзиёевнинг Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилишидаги нутқи юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё аҳолиси 80 миллиондан ошди. Минтақанинг ялпи ички маҳсулоти келгуси беш йилда 700 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Шу билан бирга, минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларига талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбари Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё – Германия” иккинчи Саммитида ҳам минтақада барқарор ривожланиш масалалари устида алоҳида тўхталиб, Германия билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўз қарашларини баён этди.

Биринчи йўналиш. Устувор соҳаларда дастурий тадбирларни камраб олган, узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш таклиф этилди. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш учун “Марказий Осиё – Германия” таҳлил марказлари форумини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқиш ва унинг биринчи мажлисини 2025 йили немис-менонитларининг катта жамоаси яшаган минтақадаги қадимий шаҳарлардан бири – Хивада ўтказиш масаласи ўртага ташланди.

Иккинчи йўналиш. “Марказий Осиё ва Германия” инвестор ва тадбиркорлари кенгашини ишга тушириш. Унинг биринчи учрашувини 2025 йили Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш; инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўп томонлама

хукуматлараро битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш.

Учинчи йўналиш. Германиянинг илғор билим ва технологияларини жорий этиш асосида муҳим хомашё ресурслари соҳасида шерикликни ривожлантириш. Бу ўринда сўз Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига махсулот етказиб беришни ташкил этиш борасидаги лойиҳалар ҳақида бормоқда.

Тўртинчи йўналиш. Марказий Осиё мамлакатларининг Германия билан Энергетика соҳасидаги мулоқотини йўлга қўйиш имкониятини кўриб чиқиш.

Бешинчи йўналиш. Иқлим ўзгаришларига биргаликда жавоб қайтариш. Атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича Марказий Осиё университети базасида қўшма таълим дастурлари ва илмий алмашувларни амалга ошириш.

Олтинчи йўналиш. Транспорт коммуникациялари, шу жумладан, ер усти ва ҳаво ташувлари яхши ривожланмагани ҳамкорликни ривожлантиришда энг катта тўсиқ бўлаётгани сабабли Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган муқобил транспорт йўлакларини ривожлантириш борасида қўшма конференция ўтказиш таклиф этилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон муҳим глобал ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиш, уларга ижобий ечимлар топиш борасида халқаро мулоқот платформасига айланиб бормоқда.

Шу ўринда, хусусан, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни минтақада ишончли кўприк ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси, деб атагани, Европа кенгаши раиси Шарль Мишелнинг Ўзбекистон давлати раҳбари минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича кўплаб ташаббус ва ғоялар генератори бўлаётганини алоҳида қайд этгани эътиборга лойиқдир.

Хорижий матбуотда таниқли халқаро сиёсатчилар томонидан, хусусан глобал ва минтақавий муаммоларни оқилона ҳал қилишда мухтарам Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсатдан андоза олиш ва уларни чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва халқаро амалиётда қўллаш лозимлиги алоҳида қайд этилмоқда.

Ўзбекистон ва БМТ: глобал муаммолар ечими йўлида муваффақиятли ҳамкорлик

Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан глобал муаммолар ечими масалаларида самарали ҳамкорликни ривожлантирмоқда. БМТ доирасида мамлакатимиз томонидан 140 та

қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 11 та махсус резолюцияси қабул қилинди.

2024 йилнинг ўзида БМТ Бош қотибининг бешта ўринбосари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ECOSOC) таркибига ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгашига сайланди. Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси бўлди. Тошкентда БМТнинг яна бир махсус муассасаси – Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича халқаро жамғарманинг ваколатхонаси иш бошлади.

Биргаликда глобал кун тартибига оид йирик халқаро тадбирлар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. 2025 йилда Самарқандда ЮНЕСКОнинг 43-бош конференцияси бўлиб ўтади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари – Шавкат Мирзиёевнинг энг нуфузли халқаро саммитларда илгари сурган глобал аҳамиятга молик ташаббуслари БМТ томонидан олқишланмоқда.

Масалан, ўтган йили Бокуда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитида 200 дан ортиқ мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди. Мазкур энг нуфузли саммитда давлатимиз раҳбари – Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда бартараф этишда фаол иштирок этишга тайёр эканини билдириб, қуйидаги муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Биринчи ташаббус: ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун етакчи давлатлар ва халқаро институтларнинг техник кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш.

Иккинчи ташаббус: БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш.

Учинчи ташаббус: денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар учун Ўзбекистонда БМТнинг инновацион агросаноат хабини яратиш.

Тўртинчи ташаббус: иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор

ривожланиши бўйича илғор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш каби таклифлар иштирокчи давлатлар томонидан қизгин маъқулланди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари ва экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг саммитдаги фаол иштироки алоҳида эътироф этилгани, Шавкат Мирзиёевнинг глобал аҳамиятга молик ташаббусларни илгари сургани ва улар ўз навбатида барқарор амалиётни ривожлантиришга кучли туртки бергани, халқаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар очгани жаҳон ҳамжамияти учун фавқулодда муҳим воқеа бўлди.

Замонавий дипломатиянинг янги шакли

Бугунги кунда давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари замонавий дипломатиянинг янги ва муҳим элементига айланган. Зеро, бу долзарб халқаро масалаларни муҳокама қилиш, муҳим сиёсий, иқтисодий муаммолар борасидаги позицияларни зудлик билан келишиш учун фаол фойдаланиладиган замонавий ва тезкор алоқа шаклидир.

Бундай суҳбатлар давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий ва ишончли алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро муносабатларнинг янада ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг замонавий дипломатиянинг янги шаклидан фойдаланишини таҳлил қилар эканмиз, ўтган 2024 йил давомида хорижий давлатлар етакчилари билан 44 маротаба телефон орқали мулоқот қилганининг гувоҳи бўламиз.

Масалан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил март ойида БАА Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали самимий мулоқот қилди. Мулоқот давомида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бугунги кунда юксак даражага чиққани катта мамнуният билан қайд этилди. Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кун тартибини пухтатайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Амалий ҳамкорликни барча йўналишларда фаоллаштириш

масалалари бўйича амалий фикрлар алмашилди.

Қайд этиш лозимки, бугун Ўзбекистонда БАА сармоysi иштирокида 300 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бундан ташқари, юқори технологиялар, энергетика, геология, қишлоқ хўжалиги, туризм, IT, инфратузилма, логистика ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, 2024 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия, Беларусь, Эрон, Туркия, Озарбайжон ва қўшни давлатлар Президентлари, Малайзия ва Япония Бош вазирлари каби қатор хорижий давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари билан қилган телефон мулоқотлари замирида ягона мақсад ётади. Бу ҳам бўлса, Янги Ўзбекистон келажаги, халқимиз манфаати йўлида хорижий давлатлар билан долзарб сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни тезкорлик билан муҳокама қилишдир.

Яна бир гап. Давлатимиз раҳбари телефон мулоқоти орқали хорижий сафарда ёки Олимпия мусобақаларида бўлган фуқароларимизнинг ҳолидан хабар олади, улар билан бирма-бир шахсан суҳбатлашади, спортчиларимизга зафарлар тилайди.

Масалан, 2024 йилнинг май ойида Шавкат Мирзиёев Мусулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилиб, Ҳаж сафариди бўлган қарийб 12 минг нафар зиёратчилар учун яратилган шароитлар, уларнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида қайғуриб сўради. Давлатимиз раҳбари юртдошларимиз муқаддас Ҳаж ибодатини мукамал адо этиб, соғ-омон келишларини тилади.

Бу каби ўнлаб мисоллар эса ўзбек халқининг Шавкат Мирзиёевдек жонкуяр ва юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган буюк раҳбари борлигидан далолат беради ва қалбимизга чексиз фахр ва ғурур бағишлайди.

Шу ўринда, беихтиёр, Буюк Британиянинг давлат арбоби Уинстон Черчилнинг қуйидаги сўзлари моҳиятини янада теранроқ англаймиз: “Давлат раҳбарини нафақат сиёсат билан шуғулланадиган, балки халқ умидларини рўёбга чиқарувчи шахс дейиш мумкин”.

Мухтасар хулоса ўрнида айтиш мумкинки, келтирилган қисқа мисолларнинг ўзи ҳам Янги Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсат ва кўпқиррали ташқи иқтисодий фаолиятни самарали амалга ошираётганидан далолат беради. Зеро, Янги Ўзбекистон дипломатияси принципи халқаро муносабатларда умумбашарий, минтақавий ва миллий даражадаги муаммоларни ҳал этиш, таҳдидларни бартараф қилиш, барқарор ривожланишни таъминлашда ташаббускор бўлишни ҳам назарда тутди.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси аъзоси

Ҳимоя ордери зўравонликдан жабрланувчини ҳимоя қилади ва айбдорларга ёки зўравонлик содир этиш билан таҳдид қилувчиларга таъсир чораларини қўяди. У ички ишлар органлари томонидан зўравонлик ёки таҳдид факти аниқлангандан кейин 24 соат ичида суд томонидан узайтириш имконияти билан 30 кунгача муддатга берилади.



ТОҚАТ ҚИЛИБ БЎЛМАС ҚИЛМИШ

(Боши 1-саҳифада)

Тарбия масаласи шундай оғирки, агар оилада фарзанд тарбиясида муайян хато ва камчиликлар юзага келганда, ўз вақтида бартараф этилмас экан, бу албатта ўзининг салбий таъсири билан намоён бўлади. Хусусан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини тўлақонли ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодексида ҳамда бошқа қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш соҳадаги асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда болаларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга эришиш, болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ боланинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига таъжовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказётган ёки етказиши мумкин бўлган ҳамда асосий эҳтиёжларига зид бўлган, шу жумладан телекоммуникация ва ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, қасдан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилиши белгиланди.

Жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этиш (буллинг) болаларга нисбатан зўравонликнинг шакллари бўлиб, қонун билан тақиқланади ва таъқиб қилинади.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат орган ҳисобланади ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси ёки васийлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор ёки суд томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш бўйича умумий ва индивидуал чора-тадбирларни белгилаб беради.

Умумий чора-тадбирларга болалар учун хавфсиз муҳит яратиш, зўравонлик омилларининг олдини олиш ва бартараф этиш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорликни ошириш ва уларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари киради.

Индивидуал чора-тадбирлар:

- ҳимоя ордерини бериш;
- зўравонликдан жабрланган ва унинг содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, руҳий, тиббий ёрдам кўрсатиш;
- зўравонликдан жабрланган ва унинг содир этилиши хавфи остида бўлган болалар оилаларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш;
- зўравонликдан жабр кўрган ёки зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болани, унинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф туғилганда, ота-онасидан (улардан бирдан) ёки васийларидан олиб қўйиш;
- болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларнинг зўравон хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиши;
- соғлиқ, жинсий эркинлик, оила, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашдан иборатдир.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича яқка тартибдаги чоралар қўлланишида зўравонлик қурбонининг ёки унинг қонуний вакилининг мурожаати, жисмоний

ёки юридик шахсларнинг хабарлари, давлат органлари ходимлари томонидан болаларга нисбатан зўравонлик содир этилгани ёки содир этишга уриниш ҳолатлари бевосита аниқланган ҳолатлар ва оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги эълонлар асос бўлиб хизмат қилади.

Зўравонлик содир этиш натижасида боланинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф туғилганда зўравонлик содир этган шахсни маъмурий тарзда ушлаб туриш, ҳимоя ордерини бериш, болани қарамоқдан олиб қўйиш каби чоралар кўрилади. Ҳимоя ордери зўравонликдан жабрланувчини ҳимоя қилади ва айбдорларга ёки зўравонлик содир этиш билан таҳдид қилувчиларга таъсир чораларини қўяди. У ички ишлар органлари томонидан зўравонлик ёки таҳдид факти аниқлангандан кейин 24 соат ичида суд томонидан узайтириш имконияти билан 30 кунгача муддатга берилади. Унинг ижросини назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган. Агар боланинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғилган, деб ҳисобланса, Ижтимоий ҳимоя агентлиги болани ота-онасидан ёки унинг васийлигидаги шахслардан зудлик билан олиб қўйиш чораларини кўриши мумкин.

Болани зудлик билан олиб қўйиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хужжати асосида профилактика инспектори иштирокида амалга оширилади.

Бола олиб қўйилганда агентлик дархол прокурорни хабардор қилиши, болани вақтинча жойлаштиришни таъминлаши ва етти кун ичида ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши шарт.

Болалар зўравонлигини олдини

олиш ва унга қарши курашишда таълим муассасаларига ҳам бир қатор вазифалар кўйилди. Хусусан, таълим муассасаларида интизомий жазо сифатида зўравонликнинг ҳар қандай шакллари, жумладан жисмоний жазолар ва бошқа шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаш тақиқланди ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш учун масъул шахслар тайинланиши белгиланди.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш учун таълим муассасаси ходимлари ички тартиб-қоидаларга, ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоа аъзолари билан муносабатда педагогик этика қоидаларига қатъий риоя қилишлари, барча таълим олувчиларга тенг муносабатда бўлишни таъминлашлари, синфдаги психологик вазиятни баҳолашлари ва яхшилашлари, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишлари ҳамда ота-оналарга маслаҳат бериш учун психологлар ва психолог-инспекторлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонун билан нафақат зўравонликдан жабр кўрган болаларни ҳимоя қилиш, балки зўравонлик хавфи остида бўлган болаларни аниқлаш ва уларга нисбатан зўравонлик хавфларини бартараф этиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Мазкур Қонун 2025 йил 15 майдан кучга киради.

Венера БОБОЕВА,
Қашқадарё вилоят адлия
бошқармаси Ҳуқуқий ахборот
шўбаси бошлиғи



Бугунги кунда кундалик ҳаётимизга сунъий интеллект ҳам жадаллик билан кириб келиб, турли соҳаларда унинг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда. Масалан, тиббиёт соҳасида хасталикларни эрта аниқлаш, шифокорларга таҳлил қилишда ёрдам бериш, индивидуал даволаш режаларини яратишда катта имкониятларни яратаяпти. Бу авлод технологиялари автоном транспорт воситаларини яратиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишда ва транспорт тизимларини оптималлаштиришда ҳам катта рол ўйнаётир. Дейлик, ўз-ўзини бошқарадиган машиналар ёки ақлли транспорт тизимлари шаҳарларда тирбандликни камайтириши ва йўл ҳаракати тартибини яхшилаши мумкин.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯСИМИ?

Сунъий интеллект иш жараёнларини осонлаштириш билан бирга кишилар ўртасида “келажакда одамнинг ишини ҳам бажарадими?” деган саволни пайдо қилаётгани ҳам бор гап. Бу хавотир бежиз эмас. Чунки ишчи кучининг автоматлаштирилиши кўплаб анъанавий иш ўринларини йўқотиб, баъзи соҳаларда ишсизликни ошириши мумкин. Лекин шу билан бирга сунъий интеллект ривожда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаларида кўпроқ малакали мутахассислар ҳам керак бўлади.

Савол туғилади: сунъий интеллект нима?

Мутахассисларнинг фикрига кўра, сунъий интеллект (СИ) маълумотларни тезкор олиш, муайян мунтазамликни аниқлаш, тенденцияларни оптималлаштириш ёки башорат қилиш мумкин бўлган жуда кўп алгоритмлар ва механизациялашган билимлар воситаси саналади. Унинг тарихига назар ташланса, гарчи яқин бир неча йилда оммалашган бўлса-да, бир неча ўн йилликлар давомида ривожланганини кўриш мумкин. Жумладан, СИ концепцияси ҳақида биринчи марта 1950 йилда Алан Тюрингнинг “Ҳисоблаш машиналари ва ақл” асарида келтирилган бўлиб, унда Тюринг “машиналар ўйлай оладими?” деган саволни қўйган. Олти йил ўтгач, 1956 йилда Жон Маккарти Дартмут коллежида СИ бўйича ўтказилган биринчи конференцияда “сунъий интеллект” атамасини қўллаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сунъий интеллект ҳаётимизда тез суръатлар билан ривожланаётган ва янгиликларни келтириб чиқараётган бир технология бўлиб, унинг таъсири жуда кенг ва турли соҳаларда сезилмоқда. СИНинг ҳозирги ва келажакдаги таъсири ҳақида сўз юритадиган бўлсак, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришда катта рол ўйнашини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Негаки, дейлик,

роботлар ва интеллектуал тизимлар ишлаб чиқариш линияларини оптималлаштиради, ишчи кучини қисқартиради ва самарадорликни оширади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тезлаштиради.

Фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, сунъий интеллект ҳозирда ўқиш ва таълим тизимларини ҳам замон талаблари даражасида ривожлантиришга таъсир ўтказмоқда. Ҳозирда он-лайн таълим платформаларида СИ тизимлари таълим жараёнини бошқариш ва оптималлаштиришда қўлланилаётгани бунга бир мисол бўла олади. Талабалар ва ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларига қараб дарсларни мослаштириши, ўқитувчиларни тўлдириши ва бу билан билим олиш жараёнини янада самарали қилиши ҳам бу интеллектуал тизимнинг афзал жиҳати саналади.

Сунъий интеллектнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни

Сунъий интеллект ҳозирда айниқса, ёшлар онгига катта таъсир кўрсатиб, улар ҳаётида, фаолиятида улуши ортиб бормоқда. Чунки ёшлар технологияларнинг фаол фойдаланувчилари бўлиб, улар сунъий интеллект тизимини ҳам тез ўзлаштирган ҳолда таълим, коммуникация, меҳнат бозори ва ижтимоий муносабатларда кенг қўллашяпти.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, сунъий интеллект ёшлар онгига бир неча жиҳатлар билан таъсир қилади. Дейлик, таълим ва билим олиш усулларини олиб кўрайлик. Бу жараёнда ёшлар сунъий интеллект ёрдамида ўқиш жараёнини шахсийлаштириши ва ўзларининг эҳтиёжларига мос равишда таълим олишлари мумкин. Он-лайн таълим платформалари, интерактив дарслар, тестлар ва тренинглари ўқувчиларга ўз билимларини мустақамлаш имконини яратади. Ёшлар бу воситалардан ўз мақсадларига эришиш учун фойдаланади, бу эса уларга

ўзгарувчан дунёда тезда мослашиш имкониятини беради.

Барчага маълумки, ёшлар ҳозирда кўпинча ижтимоий тармоқларда вақт ўтказишади. Бир қарашда сезилмас-да, ижтимоий тармоқларда ишлов беришнинг асосий воситаларидан бири ҳам сунъий интеллект ҳисобланади. Хусусан, СИ алгоритмлари Instagram, TikTok, Facebook ва бошқа платформаларда фойдаланувчиларни қизиқтирган контентни таклиф қилишда ишлатилади. Ёшлар бу технологияларни ўзларининг брендларини яратиш, контентни яратиш ва унинг оммалаштиришида фойдаланишади. Бироқ, бу платформалар АИ алгоритмлари орқали ёшлар онгига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар кўпинча фойдаланувчиларни доимий равишда маълум турдаги контент билан таъминлайди.

Ёшлар ўз касбий йўлини танлашда сунъий интеллект технологияларини қандай ўрганиш ва улардан қандай фойдаланиш ҳақида ўйлашади. Меҳнат бозорида СИ ва технологик инқилоблар янги касбларни яратмоқда ва эски касбларни камайтирмоқда. Ёшлар бу ўзгаришларга мослашишга интилишади. Масалан, дастурлаш, дата таҳлили, сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва бошқа техник соҳалар ёшлар орасида машҳур бўлмоқда.

Сунъий интеллект ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Кўпинча ёшлар СИ ёрдамида тавсиялар оладилар, масалан, қандай маҳсулотни харид қилиш, қандай ўқиш ресурсларини танлаш ёки қандай карьерга йўналишини танлаш каби. Бироқ, бу тавсияларни танлашда баъзан ёшлар, хусусан, сунъий интеллектни тўғри тушунмасдан, унинг таъсирида қилишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг мустақил фикрлашини ва танлов қилиш қобилятини камайтириши мумкин.

Албатта, ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сунъий интеллектнинг ҳам фой-

даланувчиларга бир қатор салбий таъсирлари бор. Бу айниқса, эмоционал ва ижтимоий таъсирда яққол кўринади. Масалан, ижтимоий тармоқларда кўрсатилган идеализацияланган ҳаёт тарзлари ва ташқи кўринишлар, сунъий интеллект томонидан яратилган “фильтр”лар ёшларнинг ўзини паст баҳолашига ёки ташқи кўринишга нисбатан ноқулайлик ҳис қилишларига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ёшлар кўпинча СИ ёрдамида боғланишади, лекин бу виртуал дунё уларнинг реал ҳаётдаги ижтимоий муносабатларига таъсир қилиш эҳтимоли ортади, яъни улар ўртасида реал мулоқот ўрнига рақамли коммуникациянинг ўрнаши ижтимоий кўникмаларга таъсир қилади.

Сунъий интеллект орқали ёлғон ахборот тарқатиш, “fake news” ёки манипуляция қилишда фойдаланилиши мумкин. Кўпчиликнинг ахборотни текширмасдан қабул қилиши сунъий интеллект томонидан тақдим этилган ёки “ақлли” тавсияларни кўпроқ ишонч билан қабул қилишига олиб келади. Бу эса, одамларнинг нотўғри маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилишларига олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, сунъий интеллектнинг одамлар, шу жумладан, ёшлар онгига таъсири жуда кўп ва мураккаб саналади. Бу технология ёшларнинг таълими, меҳнат фаолияти, ижтимоий алоқалари ва эмоционал ҳолатларига сезиларли даражада таъсир қилишини айтиб ўтдик. Бироқ, унинг салбий таъсирларидан қочиш учун ёшлар СИ технологияларини танқидий ва онгли равишда қўллашни ўрганишлари зарур. Шу билан бирга, жамият ва таълим тизимлари бу технологияларнинг фойдали томонларини ёшлар онгида самарали равишда акс эттириш учун имкониятлар яратишлари лозим.

Умар АСРАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети “Рақамли
иқтисодиёт” кафедраси
доценти

Тарихий шаҳар Хивада, Ичан қалъа давлат музей-кўриқхонаси ҳудудидаги миноралар, меъморий обидалар пештоқлари, ёғоч дарвоза, эшиклар ва мрамар тошларда араб ёзувидаги ноёб битикларни кўплаб учратиш мумкин. Кўхна Арк мажмуасидаги хон қароргоҳида жойлашган айвон ёғоч устуни мрамартошидаги шеърӣ битик ана шулардан бири.

МАРМАРТОШГА МУҲРЛАНГАН ҲИКМАТЛАР



Шоир, тарихнавис, таржимон ва давлат арбоби Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб, ҳукмдорларни инсоф, адолат, халқпарварлик ва меҳр-шафқатга ундовчи ҳикматомуз сатрлар Хива хони Саййид Муҳаммадхон буйруғи билан сангтарош уста Ислом Хўжа Хоразмий томонидан 1857 йилда оқ мрамар тошга араб алифбоси, настаълик хати услубида ўйиб ёзилган.

*Аё шоҳи ҳашам қадр даро жаноб,
Фалак гумбазин бил сув узра хубоб.*

*Биной фалакка бу бўлса қарор,
Онинг тахти жоҳига на эътибор*

мисралари билан бошланган битикда ва кейинги байтларда ҳам шоир бепоён фалакни сув устидаги қиска фурсатлик кўпикка ўхшатар

экан, умр, бинобарин мансабу тахт ҳам ўткинчи эканлигини таъкидлайди. Ҳашаматли қасрни макон этган ҳукмдорга бу манзил ва баланд мавқе боқий эмаслиги, молу мулк, унга юзланган омаду иқбол барчаси муваққат, вафосиз эканини уқтиради. Шунинг учун икки дунёда ҳам муродга етмоқ истасанг мол-мулкка кўнгили қўйма, халқнинг ҳолидан бохабар бўл, мазлумлар арзи додига кулоқ тут, дея уқтиради шоир.

Шу ўринда савол туғилади. Хон ҳазратларини айнан кўринишхона – фуқароларни қабул қилиб, ўзи арз сўрайдиган айвон устунтошига ушбу назмий ҳикматларни муҳрлатганига сабаб нима эди? Бунинг боиси аввало Саййид Муҳаммадхоннинг иймон эътиқод эгаси экани ва илм, адабиёт, санъат аҳлига ҳурмат-эътироми баландлиги, қолаверса, Огаҳий ҳазратларининг қаламкаш ҳамда давлат арбоби сифатида эл орасида, сарой аҳли ўртасида ҳам юксак эъзозга мушарраф эканлиги асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Маълумотларга қараганда,

Саййид Муҳаммадхон ўғилларидан Бобожон тўрани болалигидан шогирд сифатида Огаҳий тарбиясига берган экан. Отасидан кейин 19 ёшида тахтга ўтириб қарийб қирқ етти йил Хива хонлигини бошқарган Муҳаммад Раҳимхон соний – Ферузнинг адолатли ҳукмдор, истеъдодли шоир сифатида танилиши ва Хоразм адабий ва маданий муҳити ҳомийси сифатида эъзозланишига ҳам Огаҳий хизматлари замин бўлганлиги, шубҳасиз.

Огаҳийнинг Муҳаммад Раҳимхон соний — Ферузнинг тахтга ўтириши муносабати билан битган “Қасидаи насиҳат”ида ва бошқа ғазалларида юртни адл ва инсоф билан бошқаришга ундаб битилган сатрларни кўплаб учратиш мумкин.

*Аён эткил қарам фақр аҳлига
бу шуқр учун ҳар дам —
Ки, ҳақ султон аларни
айламай қилди сани султон.*

*Бу кун илгинда тургон чоғда
нақдинг хайру эҳсон қил —
Ки, тонг-ла нақд бир ён борғуси,
ҳар бир қўлинг бир ён.*



*Халойиқ мушкулени қудратинг
етгунча осон эт,
Агар истар эсанг ҳақ
мушкулени айлагай осон.*

Беназир истеъдод соҳиби Огаҳий қаламига мансуб ушбу сатрлар халқ розилигини таъминлаш ва манфаатларига хизмат қилиш бош шоир бўлган бугунги кунимиз учун ҳам долзарб ҳамда муҳим аҳамият касб этувчи ундовлардир.

Асосий мавзуга қайтиб мрамартошдаги битик ҳақида сўз юритсак, у аввало шоирга эҳтиром рамзи бўлса, яна шунингдек, ҳар гал раият арз-ҳолини эшитар пайтида хоннинг ҳам, арзга келганларнинг ҳам бу ҳикматларга нигоҳи тушиб турган.

Бу сатрларнинг деворга ёки эшикка эмас, айнан устуннинг мрамар тошига ўйиб ёзилганлигининг ҳам рамзий маъноси борки, устун бутун айвонни тутиб тургани каби байтларда ифода этилган адолат, инсоф, диёнат, меҳр-мурувват сингари фазилатлар ҳам салтанат таянчи ва асоси экани, шубҳасиз.

Адабий-бадий сўз ва халқ амалий санъати умумлашган қадимий қалъадаги ушбу ноёб ёдгорлик маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни ўзига мафтун этиб ва хайрат бағишлаб келмоқда.

Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тизимли равишда ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мақсад – адолатли демократик жамият қуриш. Шу ўринда қайд этиш керакки, 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда тегишли Фармони қабул қилиниб, бунда Янги Ўзбекистоннинг 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари қайд этиб ўтилган.

Мазкур мақсадларнинг 4-йўналиши Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этишга йўналтирилган 84-мақсади Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантиришга бағишланган.

Мазкур устувор йўналишлар ва мақсадлардан келиб чиқиб, судлар фаолияти самарадорлиги-

ни ошириш, ишни судга қадар юритишда тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципини амалда таъминлаш, шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги Фармони билан мамлакатимизда 2025 йил 1 январь кунидан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозими киритилди. Фармон билан тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини берилди.

Ҳозирда республикамизнинг жиноят ишлари бўйича барча туман, шаҳар судларида тергов судьялари ўз иш фаолиятини бошлаб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни бошлади.

Тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатининг берилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бу, ўз навбатида, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича маъмурий баённома тузиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ва судлар томонидан улар томонидан тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни ўша куннинг ўзида фуқароларни сарсон қилмасдан кўриб, қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилинишига эришилмоқда.

Қиска қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Икром РАЖАБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Ҳазорасп туман судининг тергов судьяси.



Одамларнинг дунёқараши, бошқалар билан муомаласи, яхшилик йўлидаги ҳаракати турфа хил. Эгаллаган касбига нисбатан муносабати ҳам турлича. Уларнинг аксари ҳаётининг мазмунини эзгу ишларда, деб билади, ўтаётган ҳар бир кунини бошқаларга нисбатан қилаётган ғамхўрликлари, яхшиликлари билан ўлчайди.

ЮРАКНИНГ МАЛҲАМИ

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят минтақавий филиали ҳудудлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари, олий тоифали тиббиёт ходими Наргиза Давлатова ҳақида сўз юритилганда, кўпчилик ана шундай ижобий фикрларни айтишади. Сабаби, у яхши инсон, малакали ва меҳрибон шифокор.

Наргиза Давлатова 1978 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 2002 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш иши факультетини тамомлаган. 2003-2006 йилларда шу олийгоҳнинг магистри бўлган.

Талабалик, магистрлик йиллари ортда қолиб, шифокорлар сафига кўшилиши унга олам-олам завқ бағишлади. Ўзи севган касбда иш бошлагани, аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилиш юксак масъулият эканини ҳис этди. 2008-2020 йилларда Самарқанд вилоят кардиология диспансери функционал диагностика бўлимида биринчи тоифали шифокор бўлиб ишлади. Кейинчалик мазкур марказ Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиалига айлантирилди. Бу эса шифо маркази филиалида меҳнат қилаётган шифокорларнинг, барча тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Малакали шифокор бу даврда олий тоифали тиббиёт ходими сифатида беморлар хизматида эди. У 2020-2023

йиллар мобайнида марказ филиалида врачлик фаолиятини давом эттириб, кардиологик касалликларни даволаш ва бундай хасталикларнинг олдини олишдек муҳим вазифалар билан шуғулланди. Марказнинг Самарқанд вилоят минтақавий филиали функционал диагностика бўлим мудири вазифасида фаолият юритди.

Олий тоифали шифокорга 2023 йилда катта ишонч билдирилди. У республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят минтақавий филиали ҳудудлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланди.

— Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, беморларга хизмат кўрсатиш борасида улкан ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, — дейди Наргиза Давлатова. — Бу эътибор ва эъзозни кадрлаб, шунга мос бўлиш керак. Умид ва нажот билан келаётганларга, аввало ширин сўз зарур, зеро, яхши гап юракнинг мадори, малҳами. Албатта, ҳеч бир касаллик билан ҳазиллашиб бўлмайди, бироқ, юрак хасталикларидикикки карра хушёрлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Мақсадимиз, бу даргоҳимиздан ҳеч ким хафа бўлиб, хаста ҳолатида кетмасин.

Нуктадон шифокор, тажрибали раҳбар Наргиза Давлатова мамлакат Президенти ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижросининг

амалга оширилиши аввало, халқимиз саломатлигини сақлашга, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади, деб ўйлайди ва шу асосда меҳнат қилади.

Наргиза Давлатованинг турмуш ўртоғи Зафар Жўрақулов тажрибали қурувчи, айти пайтда Самарқанддаги “Agromig buildings” МЧЖнинг бош директори. Зафар Зайниқулович бошчилигида барпо этилаётган турар-жойлар ва бошқа биноларнинг бежиримлиги, сифатлилигига ҳамма ҳавас қилади.

Айтиш керак, қадимий Самарқанднинг кундан-кунга гуллаб-яшнаб бораётганида, шаҳарда кўплаб осмонўпар биноларнинг бунёд этилаётганида Зафар Жўрақулов ва унинг оиласи аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Оиладаги тинчлик-тотувлик, бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат ҳар икки соҳа – тиббиёт ва қурилиш ривожига ўз аксини топмоқда.

Зафар Зайниқуловичнинг ўта оилапарвар ва болажонлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. У уйга келганда бўш вақт топдим дегунча рўзгор юмушларига кўмаклашиш ҳаракатида бўлади.

Оилада уч нафар фарзанд вояга етмоқда. Тўнғич ўғил Жавлонбек тадбиркорликни танлаган. Ҳозирги кунда у Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркор. Самадбек СамДУ талабаси. Асадбек эса Тошкент давлат юридик университетида таҳсил олапти.

Гулнора ФАЙЗИЕВА.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати
– Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон Нодавлат
нотижорат ташкилотлари
миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси.

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-110
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6





«ЖОН БЕРИБ, ДАРДИНГ ОЛИБ КЎКСУМДА АСРАРМЕН, НЕ АЙБ...»

НАСРИЙ БАЁН:

Жаҳонда мендек юзлаб ошику шайдоси бўлганнинг қанча эҳтиёжим бўлса, шу қадар ноз ва истиғноси бор.

Кўнглим дам-бадам жон нақдини бериб васлини истайди, Оллоҳ-Оллоҳ, кўнглимнинг ажаб савдоси бор.

Кўйлагим қонли жароҳатлар ўрни сабабли гул-гул, яъни гулдор бўлган, у юзида ҳар тарафдан тамғаси бўлган катон кабидир.

Ўқинг ёмғир каби келди, кўзим садафдек оқарди, чунки унинг дурдан юз томонга оқадиган дарёси бор.

Жонимни бериб, дардингни олиб, кўксимда асрайман, не айб! Сандиқ ичида сақлайдиганнинг қимматбаҳо бойлиги бордир.

Фалакнинг кўринишига қараб уни дарвешона кийинган деб хотиржам бўлма, чунки бу дарвеш ёпинчиғининг ичида олов тоғораси, яъни офтоби бор.

Навоийнинг кўнгли учун итларинг меҳмон бўлмиш, бу кеча у кўча ичини кўрки, ажаб ғавғоси бор!

Матлаъдаги мазмун тазод ва муқобала санъати ёрдамида ифодаланган. Ошиқнинг ниёз ва илтижоларига маҳбубанинг нозу истиғноси қаршилантириш орқали ишқ оламида зарра ва куёшнинг нисбатига ўхшаш ҳолатлар жуда кўплиги таъкидланади. Зарра куёшга нисбатан қанчалик кичик ва арзимас жисм бўлса ҳамки, ҳаммиша куёшга қараб талпинади. Худди шу каби олам аҳлидан юзлаб киши маҳбубага мафтун ва маҳлиё бўлгани билан ҳар бирининг илтижо ва ёлворишлари, интилиш ва талпинишлари ўзига хос. Маҳбуба эса худди шу каби ҳар бирига ўзгача ноз ва карашма билан жавоб бериб, гўзаллик ва дилбарликнинг турфа кўринишларини намоеън этади. Бу ранг-баранглик, турфахилликни кўрган ошиқнинг хайрат ва муҳаббати янада зиёда бўлади:

*Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,
Нечаки бордур ниёзим, нозу истиғноси бор.*

Кейинги байтда ҳам бу ҳолатнинг тасвири тақрир санъати ёрдамида тадрижий ривожланади. Дам-бадам сўзи ҳолатнинг тақрорини кўрсатиб, Аллоҳ-Аллоҳ нидоси телба кўнглининг висолга етишиш йўлида чорасизликдан чора ахтариш жараёни қувватлантирилади. Ривоятда келтирилишича, Юсуф алайҳиссаломни бозорга келтиришгач, кимошди савдоси авжига етган паллада бир кампир ягона бисоти – бир калава ип билан харидор бўлади.

– Эй кампир, – дейишади унга, – Мисрнинг энг бадавлат одамларининг бутун сармоясини ушбу савдога тикилган пайтда арзимас матоҳ билан харидор бўлишингда нима наф?

– Мени Юсуф харидорлари ва толиблари сирасида номим зикр этилса, шунинг ўзи қатга

бахт, – деб жавоб беради кампир.

Байтда шунга ўхшаш ҳолатни мушоҳада этамиз: ошиқ висол талабида ягона бойлиги – жонини нисор этмоқчи бўлади. Аммо маъшуқага етишмоқ учун бу кам. Бу нарса кампирнинг ипи каби арзимас матоҳ. Шунга қарамай, ишқ жунунига гирифтор бўлган кўнгли ҳар замонда ушбу савдога савдойилардек аралашмоқ истайди:

Дам-бадам кўнглум бериб

жон нақди истар васлини,

Аллоҳ-Аллоҳ, телба кўнглумнинг

ажаб савдоси бор.

Учинчи байтда ўрта асрлар ижтимоий ҳаётидаги бир манзарадан ишқий лавҳа яратилганини мушоҳада этамиз: ошиқнинг кўйлаги ҳар томонидан тамға (бож муҳри) урилган матоҳ каби қонли яралардан оққан қонлардан гулгун бўлмиш. Тамға белгиси мўғуллар тузугига кўра, ҳар бир мамлакатда бир марта босилади. Кўплаб тамға муҳри урилган матоҳ узоқ мамлакатдан келтирилган камёб ва қимматбаҳолигининг белгиси ҳисобланган. Навоийнинг талқинига кўра, ишқ доғидан қонга беланган либос ана шундай қимматбаҳо ва ҳаммага ҳам кийиш насиб этавермайдиган кўйлакдир:

Кўнглаким қонлиг туганлар

ўрнидин гул-гул эрур,

Ул катондекким, юзида

ҳар тараф тамғоси бор.

Тўртинчи байтдаги ошиқона лавҳага табиий бир манзара асос вазифасини ўтаган. Айтишларича, найсон ойида ёғилган ёмғир томчиси садаф – чиғаноқ ичига тушгач, дурга айланаркан. Ошиқнинг кўзлари ишқ балоси ўқлари ёмғирдек ёғилганида садафдек ҳарислик билан бу ўқларга нишон бўлишни истайди. Аммо бу оддий садаф эмас. Бу садафлардан ҳар лаҳзада маржон-маржон кўз ёшлари дарёдек оқиб, ҳар томонни марваридзорга айлантирган:

То ўқунг ёмғур киби келди,

кўзум бўлмиш садаф,

Бовужуди улки дурдин

юз сари дарёси бор.

Кейинги байтларда ҳам ҳусни таълил санъатининг гўзал намуналари кузатилади. Бешинчи байтда ошиқ ишқ дардини жон эвазига сотиб олиб, кўксиде асрамоғи қимматбаҳо мол-мулкнинг сандиқ ичида асранишига ўхшатиш бўлса, олтинчи байтда куёш ва фалак кўзбойлағичининг жандаси тагидаги оловга тўла тоғорага ташбиҳ қилинади. Бундай ўхшатмалар ўзининг бадиийлиги – нодирлиги билан ўқувчининг қалбида нажиб туйғуларни уйғотиб, дидини нозиклаштиради. Зотан, шеърнинг бирламчи вазифаларидан бири ҳам завқни уйғотиш, таъби нозиклаштириш ва алал-оқибат кўнглини поклашдан иборат.

Олимжон ДАВЛАТОВ

*Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,
Нечаки бордур ниёзим, нозу истиғноси бор.*

Дам-бадам кўнглум бериб

жон нақди истар васлини,

Аллоҳ-Аллоҳ, телба кўнглумнинг

ажаб савдоси бор.

Кўнглаким қонлиг туганлар

ўрнидин гул-гул эрур,

Ул катондекким, юзида ҳар тараф

тамғоси бор.

То ўқунг ёмғур киби келди,

кўзум бўлмиш садаф,

Бовужуди улки дурдин

юз сари дарёси бор.

Жон бериб, дардинг олиб кўксумда

асрармен, не айб,

Асраса сандуқ аро улким

самин колоси бор.

Бўлма эмин чарх давридин мураққаъўш деб

Ким, қуёшдин бу мураққаъ

ичра ўтлуғ тоси бор.

Итларинг бўлмиш Навоий кўнгли учун меҳмон,

Бу кеча ул кўй аро кўрким, ажаб ғавғоси бор.

ЛУҒАТ:

Вола – мафтун, маҳлиё.

Ниёз – муҳтожлик; ёлвориш.

Шайдо – ошиқ, девона.

Истиғно – ҳожатсизлик.

Нақд – бойлик, пул.

Туган – доғ.

Катон – канопадан тўқилган кийимлик.

Самин – қимматбаҳо.

Коло – мол-мулк, ашё, асбоб, анжом.

Эмин – хотиржам.

Мураққаъўш – жанда кийган, дарвешона кийинган.